

Шош шаҳри тўкинлиги, ширин суви, мўътадил иклими, мунтазам ёмгирлари, бог ва экинзорлари билан шухрат топган йирик мусулмон шаҳарларидан биридир. Ривоят килишларича, қандайдир мажусий турклар шаҳарни тунда босиб олади ва фурсат ўтказмай уруш олиб бориладиган жойларни белгилаб қўйишни режалайди. Тонгга яқин улар атрофдаги миноралардан таркалаётган аллакандай овозларни эшитиб қолишади. Бунинг нималигини сўрашганида муаззинлар эрталабки намозга азон чакиришяпти, деган жавобни олишади. Тонг отгунча шаҳарнинг ҳамма жойидан басма-басига азон товушлари эшитилиб турди. Унда (Шошда) тўрт минг жомеъ масжиди бор эди, ҳар бир жамоа олтмиш ёки етмиш хонадоннинг одамларидан иборат эди. Улар бу хабарни эшитиб, ваҳимага тушишади ва шарманда бўлмай туриб қочиб қолишни афзал қўришади. Бунга Шош муаззинларининг туни билан сергак ҳолда тўхтовсиз азон чакирганлари сабаб бўлди. (Абул Фазл Жалолиддин Карший, «Мулҳакот ас-сурах», қўлёзма, 98-бет).